

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2023 йил август ойининг 16-куни жиноят ишлари бўйича Ѓиждувон туман суди, Ѓиждувон туман “Вазиршоҳ” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида,

раислик қилувчи судья Б.Умаров, судья ёрдамчиси А.Асадовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ѓиждувон туман прокурори катта ёрдамчиси О.Равшанов, жабрланувчи М.Зайниев, судланувчи С.Азгаров ва унинг ҳимоячиси “NEW BUXORO” адвокатлик бюроси адвокати А.Шамсиевнинг иштирокида Азгаров Собир Садуллоевичга нисбатан 1-2006-2301/194-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Азгаров Собир Садуллоевич (AZGAROV SOBIR SADULLOYEVICH) 1975 йил 20 октябрь куни Ѓиждувон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 4 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Ѓиждувон туман “Вазиршоҳ” маҳалла фуқаролар йиғини, “Вазиршоҳ” қишлоғида яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини 2023 йил 20 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокара, жабрланувчининг талаби, судланувчининг ҳимоя ва охирги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи С.Азгаров 2023 йил 03 июнь куни тахминан соат 22 ларда Ѓиждувон туман “Вазиршоҳ” маҳалла фуқаролар йиғини “Вазиршоҳ” қишлоғида ҳамқишлоғи М.Зайниев билан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб, ушбу жанжал пайтида М.Зайниевни ҳақорат қилиб, унинг юз қисмидан боши билан, тана соҳасидан қўли билан қасддан уриб, унга бош мия чайқалиши билан



давом этган бурун суягининг ёпиқ синиши, бурун бошини чап чакка ва чап кўл панжа 5-бармоқ соҳаларидаги қонталашлари, бурун ўнг томонидаги шилинмаси кўринишидаги жароҳати каби содир этилаётган пайтда соғлиғининг қисқа муддатга, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашуви сабабчи бўлган енгил тан жароҳат етказган.

Судда сўроқ қилинган С.Азгаров айбига иқрорлик билдирмасдан, 2023 йил 03 июнь куни тахминан соат 22 ларда у ўзига тегишли бўлган “JENTRA” русумли автомашинада қишлоғидан ўтиб кетаётганида қарама-қарши йўналишдан ҳамқишлоғи Махмуд ўзининг “SPARK” русумли автомашинасида унинг йўлини тўсганини, Махмуд автомашинасидан тушиб унинг олдига келганида, у спиртли ичимлик таъсирида маст ҳолатда бўлганини, у автомашина саломида ўтирганида Махмуд кўли билан унинг кўйлагидан тортганидан сўнг у автомашинадан тушганини, шу пайт уларнинг олдига Ражаб ака ва Ғуломлар келиб, уларни ажратганларини, шундан сўнг у автомашинасига ўтириб у ердан кетганини, орадан тахминан 40 дақиқа ўтганидан сўнг Зайниев Махмуд унинг уйига келиб, уни ҳақорат қилганини, у Махмуднинг мастлигини кўриб ҳудуд профилактика инспекторини чақирганини, ҳудуд профилактика инспектори келганидан сўнг у ИИБ ходимига Махмуд маст ҳолда автотранспортни бошқариб юргани ҳақида айтиб, автомашина калитини инспекторга берганини, шундан сўнг ҳудуд профилактика инспектори Шайдулло Махмуд ва унинг автомашинасини олиб кетганини, у Махмудни урмаганини, унга ким тан жароҳат етказганини билмаслигини, бундан ташқари, шу куни Махмуд маст ҳолда бўлганлиги сабабли унга тегишли бўлган автомашина эшигини очмоқчи бўлганида эшик унинг бурнига текганидан сўнг Махмуднинг бурни қонаганини, шу куни воқеа жойи ва унинг уйи олдида Махмуднинг укаси Тоштемир бўлмаганини билдириб кўрсатув берди.

Судда сўроқ қилинган жабрланувчи М.Зайниев 2023 йил 03 июнь куни у оз миқдорда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, укаси Олимов Тоштемирнинг бошқарувида бўлган “SPARK” русумли автомашинанинг олдинги йўловчи ўриндиғида ўтириб кетаётганларида, йўлда автомашинанинг қарама-қарши йўналишидан ҳамқишлоғи Азгаров Собир ўзига тегишли бўлган “JENTRA” русумли автомашинада чироқларни баланд қилиб келганлиги сабабли укаси автомашинани тўхтатганини, у С.Азгаровнинг олдига бориб, ундан тинчликми деб сўраганида, Собир автомашинадан тушиб унинг юз соҳасидан мушти билан уриб, боши билан унинг бурун соҳасидан урганидан сўнг унинг бурни қонаганини, шундан сўнг Собир ака автомашинасига ўтириб кетганини, шу куни С.Азгаров маст ҳолатда бўлганини, у С.Азгаровга тегишли бўлган автомашина эшигига бурнини уриб тан жароҳат олмаганини, воқеа жойида у билан бирга укаси Тоштемир ҳам



бўлганини, ҳозирги кунда судланувчи С.Азгаров билан ярашмаслигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний чора кўришни ҳамда С.Азгаровдан унга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда сўроқ қилинган гувоҳ Ш.Шаропов Ғиждувон туман ИИБ 1-сон ИИБ ХПГ профилактика инспектори лавозимида ишлаб келаётганини, 2023 йил 03 июнь куни тахминан соат 23 ларда у ҳудудда хизмат олиб бораётганида С.Азгаров унга қўнғироқ қилиб, яшаш уйи олдида бир нафар фуқаро спиртли ичимлик ичган маст ҳолда келиб, жанжал қилаётгани ҳақида хабар берганидан сўнг у профилактика инспектори У.Сирожов билан бирга Азгаров Собирнинг уйи олдида борганида, М.Зайниевнинг бурни қонаган ва шишган ҳолда бўлганини кўриб, ундан нима бўлгани ҳақида сўраганида, у Азгаров Собир уни ургани ҳақида айтганини, шундан сўнг у жанжал сабабини ўрганиш мақсадида Азгаров Собирнинг олдида борганида, С.Азгаров унга уйи олдида турган “SPARK” русумли автомашинани кўрсатиб, Махмуд ушбу автомашинани спиртли ичимлик ичган маст ҳолда бошқариб, йўлини тўсганини билдириб, автомашина калитини унга берганини, шундан сўнг у шериги билан бирга Зайниев Махмудни У.Сирожовнинг автомашинасига ўтказиб, ўзи М.Зайниевга тегишли бўлган “SPARK” русумли автомашинани бошқариб Ғиждувон тумани ИИБ 1-сон ИИБ биносига борганларини, шундан сўнг М.Зайниевга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун у профилактика инспектори Ибрагимов Султон билан бирга уни Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмасига олиб бориб, врачлар томонидан унга биринчи тез ёрдам кўрсатилганини, шундан сўнг у М.Зайниевнинг спиртли ичимлик ичганлиги ҳолатини алкотестер кўригидан ўтказмоқчи бўлганларида, М.Зайниевнинг бурун, оғиз соҳаси шишгани ва жароҳатларда кучли оғриқ бўлганлиги сабабли уни спиртли ичимлик ичган ёки ичмаганлигини текширишни имкони бўлмаганини, у воқеа жойига борганида Махмуднинг укаси Тоштемир бўлмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Судда сўроқ қилинган гувоҳ Р.Ашуров 2023 йил 03 июнь куни тахминан соат 22 ларда уйига қайтаётганида, кўчада ҳамқишлоқлари Собирга тегишли “JENTRA” ва Махмудга тегишли бўлган “SPARK” русумли автомашиналар йўлнинг ўрта қисмида қарама-қарши ҳолатда тургани ҳамда шу ерда Собир билан Махмуднинг оғзаки тортишиб турганларини кўриб, уларни олдида борганида Махмуднинг бурни қонаганини кўрганини, шу пайт у улардан нима бўлгани ҳақида сўраганида, Махмуд мастлик ҳолатида эгнидаги футболкани ечиб, Собирга ташланганини, шу пайт у Собирни автомашинасига ўтирғизиб уйига жўнатганидан сўнг велосипедида уйига кетганини, у воқеа жойига борганида улар ўртасида жанжал бўлган ёки бўлмаганини кўрмаганини, воқеа жойида Махмуднинг укаси Тоштемирни кўрмаганини билдириб кўрсатув берди.



Судда сўроқ қилинган сўроқ қилинган қўшимча гувоҳ Н.Джураев Ўзбекистон Республикаси ССВ Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиали Жондор туман бўлими эксперти вазифасида ишлашини, 2023 йил 04 июнь куни Ғиждувон туман ИИБ профилактика инспектори С.Ибрагимов томонидан фуқаро М.Зайниевга нисбатан чиқарилган суд-тиббий экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорига асосан 2023 йил 04 июнь куни фуқаро М.Зайниевни Республикаси суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Бухоро филиалида судга оид тиббий экспертизани ўтказганини, унда фуқаро М.Зайниевнинг бош мия чайқалиши билан давом этган бурун суягининг ёпиқ синиши, бурун бошининг чап чакка ва чап қўл панжа 5-бармоқ соҳаларидаги қонталашлар, бурун ўнг томонидаги шилинма қаттиқ ўтмас жисм таъсиридан етказилганлигини, жароҳатларнинг оғирлик даражаси бўйича соғлиғининг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳат тоифасига киришини, тиббий кўрик давомида у фуқаро М.Зайниев билан бевосита суҳбат ўтказганида, М.Зайниев унга 2023 йил 04 июнь куни тахминан соат 22 ларда ҳамқишлоғи С.Азгаров ўзаро жанжал кўтариб, боши билан унинг юзи ва қўллари билан баданининг турли соҳаларидан ургани ҳақида айтганини, бундан ташқари, касаллик тарихида фуқаро М.Зайниев стационар тартибда 8 кун ётиб даволангани қайд этилганини, у фуқаро М.Зайниевни эрталаб соат 04:40 да суд тиббий экспертиза кўригидан ўтказганида, унинг оғзидан спиртли ичимлик ҳиди келиб турганини, бундан ташқари, агар беморнинг бурун синиши натижасида унинг нафас йўллари ёпилган тақдирда жароҳат ўртача оғир даражани беришини, лекин фуқаро М.Зайниевнинг нафас йўллари нормал ҳолатда бўлгани сабабли жароҳатнинг оғирлик даражаси енгил тан жароҳат деб асосли хулосага келинганини, шунингдек, фуқаро М.Зайниевга етказилган тан жароҳатлар ўрни ва механизми бўйича унинг бурнидаги жароҳат автомашина эшигидан уриб олиш характерига мос келмаслигини, чунки автомашина эшигидан бурун урилиб синган тақдирда, бош мия чайқалиши келиб чиқмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Судда сўроқ қилинган гувоҳ Д.Зайниева ҳамқишлоғи С.Азгаров билан 15 йилдан бери ўрталарида келишмовчилик бўлиб келганини, у 2023 йил 03 июнь куни ўғли Махмуд билан С.Азгаров ўртасидаги жанжални кўрмаганини, у 2023 йил 03 июнь куни тахминан соат 22 ларда Бухоро шаҳридаги уйида ўтирганида, унга ўғли Тоштемир кўнғироқ қилиб, акаси Махмуджон билан садо дўконидан нарса олиш учун чиқиб кетаётганларида, қишлоқдоши С.Азгаров ўзининг автомашинасини маст ҳолда чироқларини баланд қилиб, йўлни тўсиб бошқариб келганлиги сабабли С.Азгаров билан ўғли Махмуджон ўртасида жанжал бўлгани ҳақида билдирганини, шундан сўнг у ўғли Олимов Мухаммадали ҳамда тоғаси билан бирга Бухоро шаҳридан



Ғиждувон тумани “Вазиршоҳ” қишлоғига келганида, ўғли Тоштемир такси автомашинасида 3-4 ўртоқлари билан бирга келганини, шу пайт кўчада ўғли Зайниев Махмуджонни ИИБ ходимлари олиб кетаётганини кўрганида, ўғли Махмуджоннинг бурни қонаган ва уст-боши қонга беланган ҳолда бўлганини кўрганлигини билдириб кўрсатув берди.

Судда сўроқ қилинган гувоҳ Т.Олимов 2023 йил 03 июнь куни ўзининг бошқарувида акаси Зайниев Махмуджонга тегишли бўлган “SPARK” русумли автомашинада савдо дўконига бораётганларида, қарама-қарши йўналишдан ҳамқишлоғи С.Азгаров ўзига тегишли “JENTRA” русумли автомашинада чироқларни баланд қилиб келгани сабабли унинг кўзи туташганини, шу пайт акаси Махмуджон унга автомашинани тўхтатишни айтганидан сўнг у автомашинани тўхтатганини, С.Азгаров ҳам автомашинани тўхтатиб, автомашина салонида ўтириб уларга қаратиб баланд овозда нимадир гапирганидан сўнг акаси Махмуджон автомашинадан тушиб, Собир ака олдида борганида, Собир ака ҳам автомашинадан тушганини, акаси Махмуджон Собир акага “нима гап, тинчликми?” деб сўраганида, С.Азгаров боши билан акасини бурун соҳасидан урганини, ушбу ҳолатни кўриб у автомашинадан тушиб, уларни ажратганини, шундан сўнг Собир ака автомашинасига ўтириб уйига кетганини, у акаси Махмуджон билан Собир аканинг уйига борганларида, акаси унга онасини олиб келишини айтгани сабабли акасига автомашинани қолдириб, ўзи такси автомашинасида уйига кетганини билдириб кўрсатув берди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Азгаров қасддан М.Зайниевни уриб, соғлиғининг қисқа муддатга, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабабчи бўлган енгил тан жароҳат етказганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи С.Азгаровнинг айби, ўзининг айбига иқрорлик билдирмасдан берган кўрсатуvidан ташқари, 2023 йил 04 июнь кунидаги хабарнома (и.в.4), 2023 йил 04 июнь кунидаги жабрланувчи М.Зайниевнинг Ғиждувон туман ИИБга ёзган аризаси (и.в.8), 2023 йил 04 июнь кунидаги воқеа жойини кўздан кечириш юзасидан расмийлаштирилган баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.11-12), Ўзбекистон Республикаси ССВ Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг 2023 йил 15 июндаги 951-сонли М.Зайниевнинг суд тиббий экспертиза хулосаси (и.в.29-31), 2023 йил 25 июнь кунидаги юзлаштириш баённомаси (и.в.79-86), ҳамда суд мажлисида муҳокама қилинган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи С.Азгаровнинг у 2023 йил 03 июнь куни тахминан соат 22 ларда М.Зайниевни урмаганини, унга тан жароҳат



етказмаганини, М.Зайниев ушбу жароҳатни воқеа жойида унга тегишли бўлган автомашина эшигини очиш жараёнида тўсатдан уриб олгани оқибатида бурнидан тан жароҳат олгани ҳақида келтирган важларини муҳокама қилиб, қўйидаги хулосага келишни лозим топади.

-судда жабрланувчи М.Зайниев 2023 йил 03 июнь куни тахминан соат 22 ларда ҳамқишлоғи Азгаров Собир боши билан унинг бурун соҳасидан ва мушти билан тана соҳасидан урганлиги ҳақида берган кўрсатуви билан;

-Ўзбекистон Республикаси ССВ Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг 2023 йил 15 июндаги 951-сонли М.Зайниевнинг бош мия чайқалиши билан давом этган бурун суягини ёпиқ синиши, бурун бошини чап чакка ва чап қўл панжа 5-бармоқ соҳаларида қонталашлар, бурун ўнг томонидаги шилинмаси қаттиқ ўтмас жисм таъсиридан етказилганлиги, оғирлик даражаси бўйича соғлиғининг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳат тоифасига кириши ҳақидаги судга оид тиббий экспертиза хулосаси билан;

-судда эксперт Н.Джураев фуқаро М.Зайниев эксперт кўригидан ўтказилганида, унинг бош мия чайқалиши билан давом этган бурун суягининг ёпиқ синиши, бурун бошининг чап чакка ва чап қўл панжа 5-бармоқ соҳасидаги қонталашлар, бурун ўнг томонидаги шилинма қаттиқ ўтмас жисм таъсирида етказилганлиги, ҳамда тан жароҳатларнинг оғирлик даражаси бўйича соғлиғининг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳат тоифасига киришини, у фуқаро М.Зайниев билан бевосита суҳбат ўтказганида, у 2023 йил 04 июнь куни тахминан соат 22 ларда уни С.Азгаров боши билан юзи ва қўллари билан баданининг турли соҳаларидан ургани ҳақида айтганини, бундан ташқари, фуқаро М.Зайниевнинг олган жароҳатлари ўрни ва механизми бўйича ушбу жароҳат автомашина эшигидан уриб олиш характериға мос келмаслигини, чунки автомашина эшигидан бурун урилиб синган тақдирда, бош мия чайқалиши келиб чиқмаслигини билдириб берган кўрсатуви билан;

-гувоҳ Р.Ашуровнинг 2023 йил 03 июнь куни тахминан соат 22 ларда кўчада ҳамқишлоқлари Собир ва Маҳмудга тегишли автомашиналар асосий йўлнинг ўрта қисмида қарама-қарши ҳолатда тургани ва шу ерда Собир ва Маҳмуд оғзаки тортишиб турганларини кўриб, уларнинг олдиға борганида Маҳмуднинг бурни қонаганини кўрганини, шу пайт Маҳмуд мастлик ҳолатида эғнидаги футболкани ечиб, Собирга ташланганини, шундан сўнг у Собирни автомашинасига ўтказиб уйига жўнатганини, лекин у ерда Маҳмуднинг укаси Тоштемирни кўрмаганини билдириб кўрсатуви билан;



-гувоҳ Ш.Шароповнинг 2023 йил 03 июнь куни тахминан соат 23 ларда С.Азгаровнинг чақирувига асосан профилактика инспектори У.Сирожов билан бирга Азгаров Собирнинг уйи олдида борганида, Зайниев Махмуднинг бурни қонаган ва шишган ҳолда бўлганини кўрганлигини билдириб берган кўрсатуви билан рад қилинади.

Суд, судланувчи С.Азгаровнинг юқорида келтирган важларини судланувчи томонидан судни чалғитиш ва жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида қилинган ҳаракат деб баҳолайди.

Суд, жабрланувчи М.Зайниевнинг 2023 йил 03 июнь куни тахминан соат 22 ларда автомашинани укаси Тоштемир бошқаргани ҳамда С.Азгаров ва унинг ўртасида бўлиб ўтган ушбу жанжални укаси Тоштемир ҳам кўргани ҳақидаги келтирган важларни муҳокама қилиб, жабрланувчи М.Зайниевнинг ушбу важларини ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келмаслигини инобатга олиб, қўйидаги тўхтама келишни лозим топади.

-судланувчи С.Азгаровнинг ушбу ҳолат бўлиб ўтган пайтда Махмуднинг укаси Тоштемир воқеа жойи ва унинг уйи олдида бўлмаганини билдириб берган кўрсатуви билан;

-гувоҳ Р.Ашуровнинг 2023 йил 03 июнь куни тахминан соат 22 ларда кўчада ҳамқишлоқлари Собирни "JENTRA" русумли автомашинаси ва Махмудни "SPARK" русумли автомашиналари йўлнинг ўрта қисмида қарама-қарши ҳолатда тургани, ҳамда шу ерда Собир ва Махмудлар оғзаки тортишиб турганларини кўриб, уларни ажратганини, лекин воқеа жойида у Махмуднинг укаси Тоштемирни кўрмаганини билдириб берган кўрсатуви билан;

-гувоҳ Ш.Шароповнинг 2023 йил 03 июнь куни тахминан соат 23 ларда у С.Азгаровнинг чақирувига асосан профилактика инспектори У.Сирожов билан бирга унинг уйи олдида борганида, М.Зайниевнинг бурни қонаган ва шишган ҳолда бўлганини кўрганини, лекин воқеа жойида Махмуднинг укаси Тоштемирни кўрмаганини билдириб берган кўрсатуви билан;

Суд, юқорида кўрсатилган ва суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб, жабрланувчи М.Зайниевнинг ушбу важларини ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келмаслиги сабабли жабрланувчининг мазкур важларини рад қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи С.Азгаровнинг оилавий аҳволи ва муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 56-моддасида



назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи С.Азгаровга нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Пленум қарорида, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига риоя қилишлари лозимлиги тўғрисидаги талабларига амал қилган ҳолда, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни, судланувчи С.Азгаровнинг оилавий аҳволи, муқаддам судланмаганлиги ва жабрланувчининг даъвосини инобатга олиб, у айбланаётган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 10-бандида, ЖПКнинг 471-моддаси 1-бандига асосан айблов ҳукми чиқаришда, судлар иш бўйича келтирилган фуқаровий даъво масаласини ҳал қилишлари лозим. Фақатгина суд фуқаровий даъво билан боғлиқ қўшимча ҳисоб-китоб талаб қилиб, уни суд мажлисида бартараф этишнинг имконияти бўлмаса ва бу суд қароридаги жиноят квалификацияси, жазо меъёри ва ҳукм чиқаришда юзага келадиган бошқа масалаларга таъсир қилмаганда, суд фуқаровий даъвонинг ундириладиган миқдори масаласи фуқаролик иш юритуви тартибида ҳал қилиниши кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи М.Зайниевга Олий суди Пленум қарори раҳбарий тушунтириши, ҳамда ЖПК талабларидан келиб чиқиб мазкур жиноят оқибатида унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда даъво ариза билан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465 ва 471-моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади:

Ҳ У К М

Азгаров Собир Садуллоевич (AZGAROV SOBIR SADULLOYEVICH) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга нисбатан шу модда билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин ва уни кеч соат 21:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар Ѓиждувон туман “Вазиршоҳ” маҳалла фуқаролар йиғини



“Вазиршоҳ” қишлоғидаги яшаш жойидан чиқиб кетмаслиги белгилансин.

С.Азгаров зиммасига қуйидаги қўшимча чекловлар:

-ресторан, кафе, бар, клуб, кинотеатрлар ва бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларига бормаслик;

-спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик;

-Пробация гуруҳининг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик;

-Бухоро вилояти маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик белгилансин.

Жазо муддати ҳукм ижроси Ғиждувон туман ИИО Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро қилиш Ғиждувон туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Унга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 48¹-моддасининг 5 ва 6-қисмлари талаблари, яъни агар озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган таъқиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги, маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги, жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги тушунтирилсин.

Жабрланувчи М.Зайниевга мазкур жиноят оқибатида унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда даъво ариза билан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм ўқиб эълон қилинган кундан бошлаб, 20 кун муддат ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини қўлга олган кундан бошлаб, шу муддат ичида шу суд орқали бўйича Бухоро вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Б.Умаров

Нусхаси аслига тўғри:

Б.Умаров

